

**“Ўзавтосаноат” АЖ фаолиятиниг очиқлик  
даражасини ошириш, очиқ маълумотларни  
янгилаш (Open Data) ҳамда жамиятнинг  
янгиланган корпоратив веб-сайтини ишга  
туширилиши бўйича**

2021 йилнинг 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6247-сон Фармони, 2022 йилнинг 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-154-сон Фармони ва 2014 йилнинг 2 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 176-сон Қарорида кўрсатилган топшириклар бажариш, шунингдек, “Ўзавтосаноат” АЖнинг ижобий имиджини шакллантириш, ҳамда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, [www.uzavtosanoat.uz](http://www.uzavtosanoat.uz) корпоратив веб-сайтини ва Очиқ маълумотлар порталини янгилаш мақсадида,

**Б У Ю Р А М А Н:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2022 йии 16 июндаги ПФ-154-сон Фармони маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

1. “Ўзавтосаноат” корпоратив веб-сайти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;
2. “Ўзавтосаноат” корпоратив веб-сайтининг тегишли бўлимлари маълумотларини янгилаш бўйича масъуллар 2-иловага мувофиқ;

3. “Ўзавтосаноат” корпоратив веб-сайти ва Очиқ маълумотлар порталидаги маълумотларни янгилаш учун масъуллар 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

4. Жамоатчилик билан алоқалар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик хизмати (Шаджалилова) 2022 йил 1 августдан бошлаб очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилсан.

5. Ахборот хавфсизлиги бошқармаси (Хусаинов) сайтнинг узлуксиз ишлашини ва унинг техник таъминоти ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминласин, шунингдек, 2-иловага мувофиқ масъул шахсларга тегишли бўлимларни таҳрир қилиш имкониятини тақдим этсин.

6. Ахборотни янгилаш учун масъуллар 2022-йил 10 августгача жамиятнинг корпоратив веб-сайтида тегишли бўлим яратилиши/тўлдирилишини ҳамда корпоратив веб-сайтдаги маълумотларнинг ўз вақтида янгиланишини таъминласин.

7. Маъмурият ва ҳужжатлар ижроси назорати бошқармаси (Зохидов) уч кунлик муддатда мазкур буйруқ “Ўзавтосаноат” АЖ таркибий бўлинмалари ва тизим корхоналарига етказиб берилиши таъминлансан.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бошқарув раисининг ўринбо сарлари зиммасига юклансин.

---



“Ўзавтосаноат” АЖ нинг  
2022 йил \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ - сонли буйруғига 1-илова

## “ЎЗАВТОСАНОАТ”АЖ КОРПОРАТИВ САЙТИ ТҮҒРИСИДА НИЗОМ 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. “Ўзавтосаноат” АЖнинг корпоратив сайти түғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом) “Ўзавтосаноат” АЖнинг расмий сайти мақомини [www.uzavtosanoat.uz](http://www.uzavtosanoat.uz) белгилайди (кейинги ўринларда – Сайт), интернет тармоғида ахборот материалларини жойлаштиришнинг тузилиши ва тартиби, шунингдек, сайт маъмуриятининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қоидалари, шу жумладан ушбу сайтни ахборот ҳамда техник-дастурый қўллаб кувватлаш киради.

1.2. Сайт жамоатчиликни “Ўзавтосаноат” АЖ (кейинги ўринларда Жамият деб юритилади) фаолияти, унинг хизматлари, янгиликлар, статистик маълумотлари билан танишириш, шунингдек, Жамиятнинг жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш мақсадида электрон хизмат кўрсатишни Интернет тармоғида расмий тақдим этилишини таъминлайди.

1.3. Сайтнинг асосий ахборот манбалари (бўлим ва бўлинмалари) рўйхати Жамоатчилик билан алоқалар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик хизмати томонидан белгиланади (бундан буён матнда PR бўлими деб юритилади).

1.4. Сайт амалдаги Конунчилик, Жамият Устави, Низом шунингдек, Жамиятнинг ички қоидалари билан тартибга солинади.

1.5. Ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар жамият бошқарув раиси томонидан Жамоатчилик билан алоқалар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик хизмати бошлиғи қўриб чиқиши учун киритилади ва Жамият буйруғи асосида тасдиқланади.

## 2-БОБ. САЙТДА ЖОЙЛАШТИРИЛИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН АХБОРОТ:

2.1. 2021 йилнинг 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6247-сон Фармони, 2022 йилнинг 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари түғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-154-сон Фармони ва 2014 йилнинг 2 июндаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-

тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 176-сон Қарорига асосан:

- Жамият фаолиятининг предмети ва мақсадлари;
- Жамият Устави, шу жумладан унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳамда жамиятнинг тасдиқланган бизнес-режалари;
- Жамиятни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги ахборот;
- Жамиятнинг ташкилий тузилмаси, унинг таркибий бўлинмалари, филиаллари, ваколатхоналари, таркибига киритилган шўъба хўжалик жамиятларининг номи, уларнинг телефонлари рақамлари, манзили (почта ва электрон манзиллари), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамиятнинг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома ахборот;
- Бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамият ёки унинг бошқарув органлари томонидан тузилган коллегиал ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар;
- Жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхати;
- Корпоратив бошқарув масалалари бўйича Жамиятнинг ички ҳужжатлари, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган корпоратив бошқарув Кодекси (мавжуд бўлганда);
- “Қимматли қоғозлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 44-моддасига мувофиқ Жамият фаолиятидаги ошкор қилиниши керак бўлган мухим фактлар;
- Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш якунлари (ушбу қарорлар қабул қилинган санадан бошлаб ўттиз кун мобайнида эълон қилинади);
- Акциядорларнинг умумий йиғилиши үтказилиши, санаси, вақти, үтказиладиган жойи, кун тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- Қимматли қоғозлар эмиссия проспектлари, шунингдек қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ошкор қилиниши керак бўлган Жамиятнинг чораклик ва йиллик ҳисботлари;
- Жамият томонидан үтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, матбуот-релизлар ва кундалик фаолият тўғрисидаги бошқа ахборот;
- Жамият томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматлар) рўйхати ҳамда улар тўғрисидаги маълумотлар;
- Товарларни етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) бўйича Жамият ва унинг ташкилотлари томонидан үтказиладиган очик танловлар (тендерлар) ва кимошли савдолари тўғрисидаги маълумотлар;

- Жамиятнинг молия-хўжалик ҳолатини ва уни ривожлантириш динамикасини тавсифловчи асосий қўрсаткичлар тўғрисидаги муҳим маълумотлар, Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборот тусидаги таҳлилий шарҳлар, шунингдек Жамият фаолиятининг самарадорлиги, шу жумладан ижро этувчи органининг самарадорликнинг муҳим қўрсаткичлари бажарилиши тўғрисида маълумот;

- Охирги уч йилда ҳисобланган ва тўланган дивиденdlар, шу жумладан қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумотлар, акциядорлар томонидан дивиденdlарни олиш учун боғланиш маълумотлари ва бошқа маълумотлар;

- Йиллик молия-хўжалик фаолиятни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хulosаси;

- Жамият томонидан ўз акцияларининг сотиб олиниши тўғрисидаги маълумотлар;

- Корпоратив веб-сайтдаги ахборот материалларидан бошқа шахслар фойдаланганда Сайтга мажбурий ҳаволалар қўрсатилиши тўғрисидаги талаб;

- Корхонанинг ва улуши бўлган корхоналарнинг бўш турган, фойдаланилмаётган, носоҳавий активлари ва улар тўғрисидаги асосий ахборотлар;

- Харидлар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан импорт эвазига харидларнинг тўлиқ рўйхати (маҳсулот (иш, хизмат) номи, ҳажми, бир бирлик нархи ва умумий қиймати, етказиб берувчи ҳақида тўлиқ маълумот) ва уни амалга оширишнинг зарурати ҳамда уни қисқартириш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги асосланган ахборотлар;

- Корхонанинг бошқарув органлари томонидан ўтказилган умумий йиғилишда қабул қилинган қарорлар;

Ҳар чорак якуни бўйича жойлаштириладиган маълумотлар:

- Бизнес-режа ижроси ҳолати тўғрисида ахборот;

- Ривожланиш стратегияларида назарда тутилган дастурларнинг натижалари тўғрисида ахборот;

Бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботлар.

Йил якуни бўйича жойлаштириладиган маълумотлар:

- Ижро органининг самарадорлиги муҳим қўрсаткичлари (КПИ);

- Корпорарив бошқарув тизимининг баҳолаш натижалари;

- Аффилланган шахслар (маълумот мавжуд бўлган тақдирда актуаллиги қўрсатилиши лозим);

- Бошқарув ва назорат органлари тўланган рағбатлантириш миқдорлари;

- Йил якунлари бўйича бугалтерия баланси ва молиявий натижалар-тўғрисидаги ҳисботлар;

- Йиллик ҳисботлар (умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган);

Йиллик молия-хўжалик фаолиятни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хуросаси.

- Молиявий, операцион, хуқуқий ва бошқа таваккалчиликлар.
  - Ҳисобланган ва тўланган дивиденdlар (ажратмалар), шу жумладан, қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумотлар, акциядорлар (иштирокчилар) томонидан дивиденdlарни олиш учун боғланиш маълумотлари ва бошқа маълумотлар.
  - Муҳим фактлар.
  - Охиригги акциядорлар/иштирокчилар/таъсисчи умумий йиғилиши (ягона акциядор) Қарорлари.
  - Жорий йил мобайнида юз берган муҳим фактлар тўғрисидаги маълумотлар Сайтда жойлаштиришни Жамият зарур деб ҳисоблайдиган бошқа маълумотлар.
  - Жамият ҳамкорлари, улар ҳақида қисқача маълумот ва ҳамкорлик нуқталари.
  - Фотоалбомлар ва видео материаллар.
- 2.1. Сайтдаги ахборот материалларидан бошқа шахслар фойдаланганда Сайтга мажбурий ҳаволалар кўрсатилиши тўғрисидаги талаб;
- 2.2. Сайтда бошқа манбалардан маълумотларни жойлаштиришга фақат ахборот манбаси кўрсатилган тақдирда йўл қўйилади.
- 2.3. Сайтда жойлаштирилган ахборот ишончли бўлиши ва Жамият фаолиятини холисона ёритиши керак.
- 2.4. Сайтда давлат сирига ва хизматда фойдаланиш учун тегишли бўлган ахборот, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ эълон қилиш ва тарқатиш тақиқланган бошқа ахборот бўлмаслиги керак.
- ### **3-БОБ. САЙТ ЮРИТИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР**
- 3.1. Сайтда қўйидагилар бўлиши керак:
- Гурухлар бўйича жойлаштирилган ахборот таснифланган ҳолда қулай ва оддий интерфейс;
  - Сайтнинг фойдаланиладиган интерфейси унда жойлаштирилган ахборотнинг тузилиши тўғрисидаги кўргазмали тасаввурни, бўлимлар ва сахифаларга дарҳол ва мантиқли ўтишни таъминлаши керак;
  - Жамият билан қайта алоқа боғлаш, юридик ва жисмоний шахслардан мурожаатларни қабул қилиш имконияти;
  - Жойлаштирилган ахборотни архивлаштириш, тиклаш ва такрорлаш имконияти;
  - Электрон почта воситасида ҳамда янгилашлар ва янгиликларни етказиб беришнинг оммабоп автоматлаштирилган форматлари воситасида Сайтнинг янгиланишларига ёзилиш имконияти (RSS, электрон почта орқали ва бошқалар).

3.2. Сайтда жойлаштирилган ахборотдан унинг томонидан базавий ахборот хизматлари кўрсатилиши доирасида фойдаланиш эркин ва бепул бўлиши керак.

3.3. Жамият базавий ахборот хизматларидан ташқари, Сайт орқали, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пулли асосда қўшимча хизматлар кўрсатиши мумкин.

3.4. Жамият Қарори билан Сайтдаги ахборотни шакллантириш, жойлаштириш, шунингдек янгилаш учун масъул бўлган шахс белгиланади.

3.5. Сайдаги ахборот ўзбек (лотин алифбосида), рус ва инглиз тилларда тақдим этилиши керак.

3.6. Сайтда жойлаштирилган ахборот йўқ қилиниши, блокланиши, бузилиши ва қалбакилаштирилишининг, шунингдек рухсат берилмаган аралашувлар бошқа шаклларининг олдини олиш бўйича Жамият томонидан ҳимоя қилишнинг тегишли чора-тадбирлари кўрилиши керак.

3.7. Сайтда жорий этиш учун мажбурий бўлган асосий функцияларга қўйидагилар тегишлидир:

- Сайт бўйича излаш;
- Мобиль қурилмалар учун соддалаштирилган дизайнга эга Сайт версияси;
- Имкониятлари чекланган шахслар учун қўшимча қулайликлар яратиш (контрастни қўшимча қилиш, шрифтни катталаштириш, овоз жўрлиги ва бошқа функциялар);
- Сайтдан хавфсиз фойдаланиш (махфий ахборотни беришни ёки пулли хизматлар кўрсатишни назарда тутувчи сайтлар учун);
- Фуқароларнинг мурожаатларини, шу жумладан, электрон почтага билдиришнома юбориш воситасида кўриб чиқиши ва вақтини кузатиб бориши;
- Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва Жамият фаолиятига тегишли масалаларни муҳокама қилиш воситалари (онлайн-сўровлар, блоглар, форумлар);
- Ташрифларни ва статистикани назорат қилиш воситалари;
- Сайдаги хатоларни кўрсатиш имконияти;
- Жамият ижтимоий тармоқлар саҳифаларига ҳаволалар (блоклар);
- Сайтга ташрифлар мониторинги ва статистика воситалари (хисоблагичлар).

## **4-БОБ. САЙТ МАЗМУНИГА ТАЛАБЛАР**

4.1. Сайтда жойлаштирилган маълумотлар ишончли бўлиши ва Жамият фаолиятини холисона ёритиши керак;

4.2. Чоп этилган материаллар тегишли тилларга ўз вактида таржима қилиниши ва Сайтга жойлаштирилиши керак;

4.3. Жамият фаолияти ҳақидаги янгиликтер шу кунни ўзида жойлаштирилиши керак;

4.4. Хизматлар/маҳсулотларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар, янги лойиҳалар ҳамда хизматларни ишга тушириш, кадрлар ўзгариши ва бошқа янги маълумотлар 1 (бир) иш куни ичида Сайтга жойлаштирилиши керак.

## **5-БОБ. САЙТНИ АХБОРИТ ВА ТЕХНИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА МАСЪУЛ**

5.1. Сайтнинг мазмуни Жамоатчилик билан алоқалар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик хизмати томонидан назорат қилинади.

5.2. Техник назорат, статик контентни жойлаштириш ва веб-сайт ишлаши Жамиятнинг Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари ривожлантириш бошқармаси томонидан амалга оширилади.

Ахборот билан таъминлаш учун жавобгарлик Жамият фаолиятиниг очиқлиқ даражасини ошириш, очиқ маълумотларни янгилаш (*Open Data*) ҳамда Жамиятнинг янгилangan корпоратив веб-сайтини ишга туширилиши бўйича буйруғининг 2 ва 3-иловаларга асосан шахслар зиммасига юкланди.

## **6-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

6.1. Низом талаблари Жамият ходимлари учун мажбурийдир.

6.2. Сайтда жойлаштирилган ахборот материалларининг сифати, долзарблиги ва ишончлилиги учун интизомий жавобгарлик Жамият фаолиятининг очиқлиқ даражасини ошириш, очиқ маълумотларни янгилаш (*Open Data*) ҳамда Жамиятнинг янгилangan корпоратив веб-сайтини ишга туширилиши бўйича” буйруғининг 2- ва 3-иловаларига мувофиқ масъул шахсларга юкланди.

6.3. 2-ва 3-иловаларга мувофиқ Сайтнинг тўлдирилиши учун масъул шахслар куйидаги ҳолатларда интизомий жавобгар ҳисобланади:

- Сайтда маълумотлар йўқлиги учун;
- Ахборотни янгилаш муддатларини бузганлик учун;
- Сайтда нотўғри маълумотларни жойлаштирганлик учун.

“Ўзавтосаноат” АЖ нинг  
2022 йил \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ - сонли буйруғига 2-илова

**“Ўзавтосаноат” АЖ Сайтини бўлимларини тўлдирилиши ва амалдаги қонунчилик талабларига мос келишига  
масъуллар**

№	Сайтнинг бўлими	Жойлаштириладиган маълумотлар	Янгилаш даврийлиги	*Масъул ходим
<b>Жамият ҳақида</b>				
1.	Жамият ҳақида	Жамиятнинг умумий маълумотлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, предмет ва мақсадлари, телефон рақамлари ва манзилли реквизитлари (почта, электрон манзили ва бошқалар).	Мунтазам	З.Шаджалирова
2.	Ижро аппарати тузилмаси	Жамиятнинг тузилмаси.	Мунтазам	О.Пак
3.	Жамиятнинг тизими	Жамият тизими ва унга кирадиган ташкилотларнинг маълумотлари (филиаллар, ваколатхоналар). Устав фондида корхонанинг улуши бўлган ташкилотлар (манзили/е-маил/телефони/сайти), уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар.	Мунтазам	Ш.Бибутова  М.Зохидов
4.	Раҳбарият	Раҳбарият ҳақида маълумот (фамилияси, исми, отасининг исми, биографик маълумотлар ва улар билан боғланиш маълумотлари, жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш кунлари шунингдек соатлари).	Мунтазам	О.Пак  М.Зохидов
5.	Мухим саналар	Жамиятнинг тарихи.	Мунтазам	З.Шаджалирова

6.	Статистик ахборотлар ва таҳлиллар	Жамият статистик ахборотлари (графика ва таблица шаклида): Жамиятнинг молия-хўжалик ҳолатини ва уни ривожлантириш динамикасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар тўғрисидаги муҳим маълумотлар, Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборот тусидаги таҳлилий шарҳлар, шунингдек Жамият фаолиятининг самарадорлиги, шу жумладан ижро этувчи органининг самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари бажарилиши тўғрисида маълумот.	Ҳар чорак, яримийиллик, 9 ойлик, йиллик	Х.Акилов А.Абдумавлонов О.Пак О.Атабаев
7.	Асосий кўрсаткичлар	Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва хизматлар бўйича маълумотлар.	Мунтазам	Х.Акилов
8.	Меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар	Жамиятнинг Устави ва Жамият фаолиятига тегишли бошқа ҳужжатлар.	Мунтазам	Ш.Бибурова
9.	Ҳамкорлар		Мунтазам	А.Абдумавлонов
10.	Карьера	Жамиятнинг корпоратив жозибадорлиги, ишга қабул қилиш шартлари ва номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар.	Мунтазам	О.Пак
11.	Бўш иш ўринлари	Жамиятнинг бўш иш ўринларининг рўйҳати.	Мунтазам	О.Пак
12.	Мулкдор	Акциядор ҳақида маълумотлар.	Мунтазам	Ш.Бибурова
13.	Коррупсияга қарши кураш	Одоб-ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашуви бўйича сиёсати, порахўрлик ва коррупсияга қарши курашиш сиёсати ва бошқа керакли маълумотлар.	Мунтазам	Ш.Зуннунов
14.		Харид комиссиясининг таркиби ва жорий тендерлар.	Мунтазам	А.Рустамов

Тендерлар ва эълонлар	<p>Харидлар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан импорт эвазига харидларнинг тўлиқ рўйхати (маҳсулот (иш, хизмат) номи, ҳажми, бир бирлик нархи ва умумий қиймати, етказиб берувчи ҳақида тўлиқ маълумот) ва уни амалга оширишнинг зарурати ҳамда уни қисқартириш бўйича кўрилаётган чоралар тўғрисидаги асосланган ахборотлар.</p> <p>Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан давлат харидларини амалга оширувчи шахслар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).</p> <p>Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар.</p> <p>Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор;</li> <li>– харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими).</li> </ul>	Ҳар чоракда	
-----------------------	---	-------------	--

		<ul style="list-style-type: none"> <li>– Жамият ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши түғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:</li> <li>– жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, поча ва электрон манзиллари);</li> <li>– жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар.</li> </ul>	Хар чоракда	
15.	Жамоатчилик кенгashi	<p>Жамият ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари түғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, поча ва электрон манзиллари);</li> <li>– жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар.</li> </ul>	Мунтазам	З.Шаджалилова
<b>Корпоратив фаолияти</b>				
16.	Ташкилотларга тақдим этиладиган ҳисботлар рўйхати	Ташкилот номи, маълумот, тақдим этиш муддати.	Мунтазам	Х.Акилов О.Атабаев
17.	Молиявий кўрсаткичлар	<p>Йиллик ҳисботлар.</p> <p>Умумий йиғилиш томонидан тасдиқланадиган эмитент ҳисботи</p>	Хар йил	Б.Мирзаев О.Атабаев Ш.Бибутова

	18.	Молиявий хисоботлар	Бухгалтерия баланси ва бошқа молиявий ҳисоботлар	Ҳар чорак, яримийиллик, 9 ойлик, йиллик.	Б.Мирзаев О.Атабаев Ш.Бибутова
			Тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар.	Ҳар чорак	О.Атабаев М.Зохидов
			Жамият тасарруфидаги хизмат автомототранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар, қурилиши тугалланмаган объектлар тўғрисидаги маълумотлар (тезкор-қидирав, ҳарбий ва бошқа маҳсус хизматларда фойдаланиладиган ашёлар бундан мустасно).  Кадастрга маълумот бўйича	Ҳар чорак	М.Зохидов О.Атабаев  Ш.Бибутова
			Ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши аъзоларининг ва ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар	Мунтазам	Ш.Бибутова  О.Пак
	19.	Аффилланган шахслар рўйхати	Жамиятнинг аффилланган шахслар рўйхати. Кузатув кенгаши. Ижро органи. (маълумот мавжуд бўлган тақдирда актуаллиги кўрсатилиши лозим)	Мунтазам	Ш.Бибутова

		<p>Ўзлари акциядор (иштирокчи, мулқор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари)</p> <p>ва кузатув кенгashi аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар.</p>	Ҳар чорак	Ш.Бибутова Ш.Бибутова
		<p>Жамият ёки унинг бошқарув органлари томонидан тузилган коллегиал ва маслаҳат органлари (комиссиялар, кенгашлар, қўмиталар ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар.</p>	Мунтазам	Ш.Бибутова
20.	Аудитор хulosаси	Йиллик молия-хўжалик фаолиятни текшириш натижалари бўйича аудиторлик ташкилотининг хulosалари.	Ҳар йил	Р.Кадыров
21.	Ҳисобланган ва тўланган дивидендлар ҳақида маълумот	Охирги уч йилда ҳисобланган ва тўланган дивидендлар, шу жумладан қарздорлик миқдори тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар, акциядорлар томонидан дивидендларни олиш учун боғланиш маълумотлари.	Мунтазам	О.Атабаев Ш.Бибутова
22.	Самарадорликни баҳолаш мезонлари	Ижро органининг самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (КПИ).	Ҳар чорак	О.Пак
23.	Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор бўйича овоз бериш натижаси	Йил якуни бўйича ягона актсиядор қарорлари. Корхонанинг таъсисчиси бўлган вазирлик/идоралар томонидан ўтказилган йиғилишда қабул қилинган қарорлар.	Ҳар йил	Ш.Бибутова
24.	Тафтиш комиссияси	Тафтиш комиссияси таркибидаги номзодлар.	Ҳар йил	Ш.Бибутова

25.	Корпоратив бошқариш кодекси	Корпорарив бошқарув тизимининг баҳолаш натижалари.	Мунтазам	Ш.Бибутова
26.	Қимматли қоғозлар эмиссияси баёни	Қимматли қоғозлар эмиссияси баёнлари ва маълумотномалар.	Мунтазам	Ш.Бибутова
27.	Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида маълумот	Охирги аксиядорлар/иштирокчилар/таъсисчи умумий йиғилиши (ягона акциядор) қарорлари. Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар бўйича овоз бериш якунлари.	Қарорлар қабул қилинган санадан бошлаб 30 кун мобайнида	Ш.Бибутова
28.	Бизнес режа	Жамиятнинг ҳар йил учун бизнес режалари.	Ҳар йил	Х.Акилов
		Бизнес-режа ижроси ҳолати тўғрисида ахборот.	Ҳар чорак, яримйиллик, 9 ойлик, йиллик	Х.Акилов
29.	Жамият томонидан акцияларни сотиб олиш ҳақида маълумот	Жамият томонидан ўз акцияларининг сотиб олиниши тўғрисидаги маълумотлар. Сотиб олинадиган акцияларнинг умумий миқдори, УФдаги улуши.	Мунтазам	Ш.Бибутова
30.	ХМҲС	ХМҲС йил натижаси бўйича ҳисоботлар.	Ҳар йил	О.Атабаев
31.	Ички аудит	Ички аудит низоми ва маълумотлари.	Мунтазам	Р.Кадыров
32.	Носоҳавий активлар	Корхонанинг ва улуши бўлган корхоналарнинг бўш турган, фойдаланилмаётган, носоҳавий активлари ва улар тўғрисидаги асосий ахборотлар.	Мунтазам	Ш.Бибутова
33.	Ривожланиш стратегиялар	Ривожланиш стратегиялари ва стратегияда назарда тутилган дастурларнинг натижалари тўғрисида ахборот.	Ҳар чорак, ярим йиллик, 9 ойлик, йиллик	А.Абдумавлонов

34.	Бошқарув ва назорат органлари рағбатлантириш миқдорлари	Жамият ижро органи, кузатув кенгаши аъзоларини ва тафтиш комиссияси аъзоларини рағбатлантирилиши.	Мунтазам	О.Атабаев
35.	Таваккалчиликлар	Молиявий, операцион, ҳуқуқий ва бошқа таваккалчиликлар.	Мунтазам	Ш.Зуннунов
36.	Ҳисобланган ва тўланган дивидендлар ҳақида маълумот	Ҳисобланган ва тўланган дивидендлар (ажратмалар), шу жумладан, қарздорлик миқдори тўғрисидаги маълумотлар, акциядорлар (иштирокчилар) томонидан дивидендларни олиш учун боғланиш маълумотлари ва бошқа маълумотлар.	Мунтазам	О.Атабаев Ш.Бибурова
37.	Муҳим фактлар	Жорий йил мобайнида юз берган муҳим фактлар тўғрисидаги маълумотлар.	Мунтазам	Ш.Бибурова Бошқарма бошлиқлар
38.	Фаолиятга оид ҳисботлар	Давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолиятига оид ҳисботи (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Ҳар йил 1 марта қадар.	Х.Акилов
		Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул, транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Ҳар чорак	О.Пак О.Атабаев М.Зохидов

39.	Режалар	Давлат органлари ва ташкилотларининг тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Ҳар ярим йиллиқда ва ҳар йили	А.Абдумавлонов
40.	Корпоратив бошқарув масалалари бўйича ички хужжатлар	Корпоратив бошқарув масалалари бўйича Жамиятнинг ички хужжатлари, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган корпоратив бошқарув кодекси (у мавжуд бўлганда).	Мунтазам	Ш.Бибурова С.Гафаров

### Маҳаллийлаштириш

41.	Маҳаллийлаштириш	Умумий маълумотлар.	Мунтазам	М.Рахимов
42.	Ўзлаштирилмаган деталлар рўйхати	Автомобил моделлари бўйича ўзлаштирилмаган бутловчи қисмлар, шунингдек, билвосита ва ёрдамчи материаллари рўйхатлари. Номи, контактлар ва умумий маълумотлар.	Мунтазам	М.Рахимов
43.	Маҳаллийлаштириш корхоналари	Маҳаллийлаштириш лойиҳасида иштирок этиш аризасини жўнатиш учун маҳсус шакл. (Келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш.)	Мунтазам	М.Рахимов

### Матбуот хизмати

44.	Янгиликлар	Жамият ва тегишли корхоналар ҳақида барча янгиликлар. Жамият томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференсиялари, семинарлар ва брифинглар, давра суҳбатлари, расмий ташрифлар) тўғрисидаги маълумотлар, матбуот-релизлар ва кундалик фаолият тўғрисидаги бошқа ахборот.	Ҳар куни	З.Шаджалилова
-----	------------	---	----------	---------------

45.	Доимо бериладиган саволлар	Ахоли ва тадбиркорлик субъектларининг тез-тез бериладиган саволларига жавоблар (FAQ).	Мунтазам	З.Шаджалирова
46.	Матбуот хизмати билан боғланиш	Ахборот хизмати тўғрисидаги маълумотлар (масъул ходимлар билан алоқага киришиш тўғрисидаги маълумотлар: электрон ва телефон рақами.	Мунтазам	З.Шаджалирова
47.	Фото ва видеогаллерея	Жамият ва тегишли корхоналарни медиа маълумотлари.	Мунтазам	З.Шаджалирова
48.	Аkkредитация	Аkkредитация аризасини жўнатиш учун маҳсус шакл. (Келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш.)	Мунтазам	З.Шаджалирова
49.	BrandBook	BrandBook ва логотиплар.	Мунтазам	З.Шаджалирова
50.	Қайта алоқа ва мурожаатлар	<p>Мурожаатларни жунатиш учун маҳсус шакли. (Келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш.)</p> <p>Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўлинмаларининг) телефон рақамлари ва манзилли реквизитлари (почта, электрон манзили ва бошқалар). Уларнинг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, маълумотлар бериш хизмати ва ишонч телефонларининг рақамлари, кириш йўллари, тўхташ жойлари ва жамоат транспорти рақамлари тўғрисидаги маълумотлар).</p> <p>Юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари, шикоятлари давлат органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг фаолияти тўғрисида маълумот олишга</p>	Мунтазам	М.Зоҳидов

	<p>сўровлари ва бошқа мурожаатларини қабул қилиш тартиби тўғрисидаги ахборотлар;</p> <p>тескари алоқа қилиш имкониятлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоботлари, хатлари, аризалари, шикоятларини давлат органлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимияти органининг фаолияти тўғрисида маълумот олишга сўровлари ва мурожаатларининг бошқа шаклларини қабул қилиш (електрон рақамли имзодан фойдаланишга қараб).</p>		
--	---	--	--

*\*Масъулиятли ходим ишдан бўшатилганда ёки бошқа лавозимга ўтказилганда, унинг лавозимига тайинланган ходим жавобгар бўлади.*

“Ўзавтосаноат” АЖ нинг  
2022 йил \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ - сонли буйруғига 3-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июнданги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6247-сон Фармонига асосан

**Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар  
РЎЙХАТИ**

Т/р	Ахборотнинг тури, тоифалар номланиши (параметрлар)	Маълумот жойлаштирилган ресурс	Тақдим этиш ва янгилаш муддати	*Жойлаштириш учун масъул ходим
1.	Давлат органлари ва ташкилотларининг ўз фаолиятига оид ҳисботи (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).	Сайтда	Ҳар йили 1 марта қадар	А.Абдумавлонов
2.	Давлат харидлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан, давлат харидларини амалга оширувчи шахслар томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар).	Очиқ маълумотлар портали, Сайтда	ҳар чоракда	А.Рустамов
3.	Мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари (хизмат сафарининг ёки ташрифнинг мақсади, суткалик пул,	Очиқ маълумотлар портали, Сайтда	ҳар чоракда	О.Пак О О.Атабаев М.Захидов

	транспорт ва яшаш билан боғлиқ харажатлар (давлат сирлари ва хизматда фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).			
4.	Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари хамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари хисобига харид қилиниши режалаштирилган товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисидаги маълумотлар (харид эълон қилинишидан камида 6 ой олдин).	Сайтда	доимий равища	А.Рустамов
5.	Давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида хамда руҳсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган харид комиссияларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан: харид комиссияси таркибини тасдиқлаш ҳақидаги қарор; харид комиссияси аъзоларининг маълумотлари (фамилияси, исми ва отасининг исми, иш жойи ва эгаллаб турган лавозими).	Сайтда	доимий равища	А.Рустамов
6.	Ўзлари акциядор (иштирокчи, мулкдор) функцияларини бажарувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг ижроия органи (директор, бошқарув раиси, бошқарув аъзолари) ва кузатув кенгаши аъзоларининг исми ва фамилияси тўғрисидаги маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали	ҳар чоракда	Ш.Бибутова О.Пак

7.	Тасдиқланган йиллик харажатлар сметаси билан бир қаторда, унинг ижроси, шу жумладан обьектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари, автомототранспорт воситаларини сотиб олиш ва сақлаш харажатлари тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар.	Очиқ маълумотлар портали, Сайтда	ҳар чоракда	О.Атабаев М.Захидов
8.	Давлат органлари ва ташкилотлари тасарруфидаги хизмат автомототранспорт воситалари, хизмат уйлари ва бошқа кўчмас мулклар, қурилиши тугалланмаган обьектлар тўғрисидаги маълумотлар (тезкор-қидирув, ҳарбий ва бошқа маҳсус хизматларда фойдаланиладиган ашёлар бундан мустасно).	Очиқ маълумотлар портали, Сайтда	ҳар чоракда	Ш.Бибурова
9.	Давлат органлари ва ташкилотлари хузуридаги жамоатчилик кенгашлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан:  – жамоатчилик кенгашининг тасдиқланган аъзолари ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда уларнинг алоқа маълумотлари (телефон, почта ва электрон манзиллари);  – жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар.	Сайтда	ҳар чоракда	З.Шаджалирова
10.	Давлат органлари ва ташкилотларининг тасдиқланган ярим йиллик ва (ёки) йиллик иш режалари (давлат сирлари ва хизматда	Сайтда	ҳар ярим йилликда	Х.Акилов

	фойдаланиш учун мўлжалланган маълумотлар бундан мустасно).		(ҳар йили)	
11.	Доимий фойдаланиш учун берилган ер майдонлари ва бошқа мол-мулкларни давлат-хуссий шериклик асосида олган юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотлар.	Сайтда	ҳар чоракда	Ш.Бибутова
12.	Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идораларнинг ташқи ёки ишончли бошқарувга берилган давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятлари, ишончли бошқарувчи томонидан жалб қилинган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тўғрисидаги маълумотлар.	Сайтда	ҳар чоракда	Ш.Бибутова
13.	Ўзларининг таркибига кирувчи давлат муассасаларининг номи, фаолият тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар.	Сайтда	ҳар чоракда	О.Пак Ш.Бибутова

*Изоҳ \* Масъулияти ходим ишдан бўшатилганда ёки бошқа лавозимга ўтказилганда, унинг лавозимига тайинланган ходим жавобгар бўлади.*